

Хувайдо (тахаллуси; асл номи Хўжаназар Гойибназар ўгли) (1704 — Ўш шахри — 1780/81, Фаргона вилояти Чимён кишлоги) — шоир, тасаввуф шеъриятининг йирик вакили. Кўкон мадрасаларида ўқиган. Кишлогида мактаб очиб, узок вакт мактабдорлик килган, косиблик билан хам шугулланган. Отаси Гойибназар сўфи Кашкардаги Офокхўжа эшоннинг муридларидан бўлган, Чимёнда масжид ва хонаколар курдириб, эшонлик килган.

Хувайдо девонида келтирилган бир наклга кўра, Хувайдога «Хўжаназар» исмининг кўйилиши хам Офокхўжа билан bogлиқ. Хувайдо мумтоз шеъриятнинг деярли барча жанрларида ижод килган. Шеърлари халк орасида жуда машхур бўлган. Хувайдо ахлокий-дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал асарлари билан адабий мактаб яратса олган шоирдир. Хувайдо ижоди ва дунёкарашининг шаклланишида Яссавий, Навоий, Сўфи Аллоёр, Машрабларнинг тасаввуфий, фалсафий фикрлари ва асарларининг таъсири катта бўлган. Хувайдо мажозий ва хакикий ишк хакидаги орифона, дунёвий шеърларида ташкири золимлик ва мазлумлик, камолот ва ахлокий тубанлик хакидаги шеърларида хам мазкур шоирлар анъаналарини давом эттирган ва янги фикрлар билан бойитган.

Хувайдо шеърлари вафотидан сўнг набиралари томонидан девон холига келтирилган. Унга шоирнинг 351 газал, 28 рубой, 41 тўртлик, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 мустазод, 3 маснавий хамда ахлокий-дидактик мазмундаги «Роҳати дил» манзумаси кирган. Девондаги илк шеърларида рўза, намоз, закот, хаж, жаннат ва дўзах билан bogлиқ мавзулар ёритилган, гурур, манманликни танкид килувчи, тавозеъ, кардошлиқ ва тўгрисўзликни улугловчи хикматларга кенг ўрин берилган («Дариго, хайф, одам...», «Куйгай», «Кимга бориб дод этайил..» ва б.). Хувайдонинг шеърларида тасаввуфий унсурлар — нафсни жиловлаш ва дунёдан ўзни узок тутиш бош гоялардан бири. Дунё лаззатининг инсонни баҳтли эта олмаслигига ишонган шоир Аллоҳга, абадий баҳтга эришмок учун инсон ўзлигидан кечмоги кераклигини англайди (мас, «Анго», «Килдинг» радифли шеърлари ва б.). Шоирнинг «Роҳати дил» ахлокий манзумаси панднома турининг гўзал намунасиdir. Унда очкўзлик, таъмагирлик, вафо, бокийлик, фонийлик, яхшиликнинг фойдаси, ёмонликнинг зарари, гўзаллик ва меҳнатсеварлик, моддий ва маънавий поклик каби хилма-хил ахлокий мавзулардаги ибратли хикоялар келтирилган. Хувайдо диний-ахлокий мазмундаги «Иброҳим Адҳам» номли шеърий достон хам ёзган. Хувайдо вафотига багишлаб унинг шогирдлари, мухлислари томонидан марсиялар, таърихлар ёзилган. У хакда ибраторумуз ривоятлар, ёдномалар пайдо бўлган. Шоирнинг отаси Гойибназар Эшон шажараси даҳмаси хозир хам зиёратгоҳ жойлардан хисобланади.

«Девони Хувайдо»нинг бир канча кўлёзма нусхалари ва литографик нашрлари бўлиб, улардан чевараси Салоҳиддин Сокиб (1838—1910) ва Мирза Ҳаким ибн Мирза Умид Маргилонийлар кўчирган нусхаси СамДУ кутубхонасида сакланади (инв. №3903). Хувайдонинг набираси Сирожий (1877 йил в. э.), чеваралари Самарбону (1837—1891), Салоҳиддин Сокиб, Гарибий девон тузган шоирлар бўлиб, Хувайдо анъаналарини давом эттирганлар. Хувайдо номида кўча, махалла ва мактаблар бор.

Бегали Косимов

\* \* \*

Кўрмай эй, дилбар, юзунгни, бўлди ахволим хароб,  
Рахм этиб келсанг на бўлгай хаста жонимни сўроб.

Холи бемору гариб сўрмак савобдур беадад  
Эрмиш, эй ёрим, санга харгиз керакмасму савобе

Сояи гамда колибман, кулфатимдур бехисоб,  
Тегмади ман заррани бошига харгиз офтоб.

Толиу бахти забундурман нетай, эй дилрабо,  
Келмади оё нечук сан деб мани золим сўроб.

Ох урсам сакфи гардунга тегар охим ўти,  
Шиддатидин ўт чикиб айлаб садо йиглар сахоб.

Кил хазар охим ўтидин, эй нигори нозанин,  
Бўлса жўш охимга йеру кўк килмас хеч тоб.

Неча йилдурким, нигоро, остананг ёстониб  
Супуруб мужгон билан, септим кўзум ёшидин об.

Килмадинг хеч лойикоти хизматим, эй моҳ рўй,  
Ори-ори бокмадинг бир йўл олиб юздин хижоб.

Эй Хувайдо, юрмадинг сан бир дами бегам бўлуб,  
Хотиринг бўлди саранжом окибат бўлгунг туроб.

\* \* \*

Бир бузук вайронадур ул уйдаким ёр ўлмаса,  
Ёр ила обод эрур ул уйда агёр ўлмаса.

Гоҳ кўрунуб, гоҳ кочар ошикларин куйдургали  
Ишк лаззат бермагай дилбарки айёр ўлмаса.

Ошноликни узуб ёр андин айлар ихтиroz  
Ул кишиким ёридин бирдам хабардор ўлмаса.

Кўп бало ўқин отар ошик сари, ошик эмас  
Кўксин очиб ёрини олдида тайёр ўлмаса.

Бўлмагай оху фигон тонг откуча бедорлик,  
Ошики дилхастани ёри ситамкор ўлмаса.

еб ётиб ором ила ошиклиги бекор эрур,  
Чарб ширин еб ичардин кимки безор ўлмаса.

Аввал ўзунг кил амал, сўнгра насиҳат элга де,  
Эй Хувайдо, сўзлама санда амал бор ўлмаса.

\* \* \*

Арзимни айдим боди сабога,  
Еткурса холим ул дилрабога.

Килса худойим кўнглин мулойим,  
Рахм айлагайму ман мубталогае!

Килгайму хайрин ўз кўли бирла,  
Борсам кўйига мискин гадогае

Деди ракиблар ёрга ёмонлаб,  
Солди жудолик найтай арога,

Кўнглумда йўктур зарра гумоним,  
Кимки ёмондур солдим худога.

Холимни айтсам ёrim инонмас,  
Эмди кўюбман явмулжазога.

Ёрсиз кишини фирмавси йўктур,  
Суидим санамни колдим балога.

Душманларининг нозу, ниамда  
Парвариш айлаб солди гинога.

Дўстини ёrim ранжу аламда  
Кўйди эл ичра жавру жафога.

Мискин Хувайдо сабру тахаммул  
Айлаб,хамиша йиглар худога.

\* \* \*

Рахм айласанг-чи девоналарга,  
Ишкингда бўлган афсоналарга.

Айлаб жудолик, эй хамнишиним,  
Килдинг жафолар гамхоналарга.

Куйдурма жоним рашк ўти бирла,  
Очиб юзунгни бегоналарга.

Сажда килай деб, ширин, бутимга,  
Бордим сўроклаб бутхоналарга.

Майгун лабингдин бир бўса бергин,  
Синсун хумори мастоналарга.

Хар дам тиларман хусни камолинг,  
Уруб бошимни остоналарга.

Ёндур, куёйин хилват ичинда,  
Шамъи жамолинг парвоналарга.

Ишкингни ганжи вайрон кўнгулда,  
Кўйсанг туарму кошоналарга.

\* \* \*

Ичарга бода сахар мавсими чаман яхши,  
Навои мутрибу хуш мажлис, анжуман яхши.

Сузуб пиёлаи майни, йигилса ишрат эли,  
Сунарга мугбача май косаи Хўтан яхши.

Хуш ўткар умри азизинг жаҳон гамини емай,  
Май ич, тириклиқ аро сиххати бадан яхши,

Кишиким ичмаса майни тирик эмас, ўлган,  
Анингдек одамига гўр ила кафандан яхши...

\* \* \*

Хеч кишига сўзламасдим, дод этдурди фалак,  
Кўп халойик олдида фарёд этдурди фалак.

Арзи холим еткудек бир ёру хамдам топмадим,  
Шод кўнглумни, нетай, ношод этдурди фалак.

Ман гарibu хастани хардам фирок ўти билан  
Куйдуруб, кўкка кулум барбод этдурди фалак,

Солди кўнгул сайдига хар лахза гам шахбозини,  
Гамни ман бечорага сайёд этдурди фалак.

Эй Хувайдо, бўлма кул бу чархи кажрафторга,  
Лахзада юз шевалар бунёд этдурди фалак.

\* \* \*

Сани ишкингдин, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум,  
Халойикга бўлуб кулгу, баси афсоналар бўлдум.

Килур таъна кўруб харким маним холимга, эй мохнм,  
Бу элни оғзида хар гўшада афсоналар бўлдум.

Хама кавму кариндошим мани кўрса килур номус,  
Баридин юз ўгурдум, бир йўла бегоналар бўлдум.

Сани илкингдин, эй дилбар, мухаббат жомини ичсам,  
Ўшал кундин бери билмай ўзум мастоналар бўлдум.

Шабистон ичра, эй ёrim, жамолинг шамъини кўрдум,  
Бошингдин ўргулуб хар субҳидам парвоналар бўлдум.

Висолинг излабон, дилбар, Хувайдойи гариб миския,  
Гадолардек сўраб элдин юруб оворалар бўлдум.

\* \* \*

На килдим санго ман, ёrim, жамолингдин жудо килдинг,  
Бошимда гарди гамни чун чароги осиё килдинг.

Хамиша куйдуруб шамъи фирокинг бирла жонимни,  
Мани парвонани хокистарини зери по килдинг.

Жудолиг айлар экансан, оё Лайливаши Ширин,  
Не деб аввал ўзунгга ман гарибни ошно килдинг.

Нигоро, бори гам бирла факиру нотавон айлаб,  
Алифдек коматимни лом алиф янглиг дуто килдинг.

Фирокинг осмонидин солиб бир барки олам сўз,  
Вужудим хирманин ўртаб, адо килдинг, адо килдинг.

Ўшал рўзе: ЪБилурмусан маниеъ деб айтдинг, эй ёrim,  
Ъбалеъ дедим, сани суйдим, балога мубтало килдинг.

Аё дилбар, Хувайдодек балокашни эшикларда,  
Солиб кўздин бенаво, зору гадо килдинг.

\* \* \*

Сабо еткур саломимни кадди сарви равонимга,  
Каро кўзлук, каро кокул ўшал ширин забонимга.

Ётибдир бир гариби зор ўлиб огиштаи туфрок,  
Бу холимни бориб айтгил мани оромижонимга.

Мани бошим ани йўли арога хар бало келса,  
Бокарман, эй биродарлар, качон суду зиёнимгае

Фалак чархи узилди-ю, йирок солди мани андин,  
Качон кўшгай худовандим анингдек меҳрибонимгае

Ани дарду фироки ўлгуча мандин жудо бўлмас,  
Таралмиш жиссими жондек тамоми устихонимга.

Хувайдони фирокига они хеч келмади рахми,  
Каро тошлар су бўлди рахм этиб оху фигонимга